Биография

Миразиз Миртожиев



Миразиз Миртожиев 1927 йил 14 майда Тошкентда хизматчи оиласида туғилди. Бошланғич ва тўлиқсиз ўрта маълумотни Тошкентдаги Фрунзе номли 14-мактабда олди (1935— 1942). 1944—46 йилларда Тошкент ҳисобот ва иқтисод ўқув юртида ўқиб, ўрта маълумотли кредит мутахассиси бўлди. М. Миртожиев 1953 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти сиртқи бўлимининг тил ва адабиёт факультетини тугатди. Шундан сўнг қатор мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берди, бир қанча вақт «Ўзбекистон маданияти» газетасида ҳам ишлади. 1958 йилда у Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига (луғат секторига) ишга ўтди. Бу ерда сектор коллективи томонидан тайёрланаётган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (е, ё, п, у, ў ҳарфлари) устида ишлаш билан бирга, «Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши» мавзуси бўйича тадқиқот ишлари ҳам олиб борди; 1964 йилда мазкур ишни якунлаб, кандидатлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турларини, сўз маъноларининг кўчиш қонуниятларини ўрганиш билаи боғлиқдир. У бу соҳада ўндан ортиқ мақола эълон қилган. Уларнинг кўпчилиги оригиналлиги, фактик далилларга асосланиши билан ажралиб туради. Шундан сўнг олим умрининг охиригача Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида хизмат қилган.

Асарлари:

1954 «Ўзбекистон» шеърини ўтиш тажрибасидан. «Совет мактаби» журнали, 2-сон, Тошкент.

1960 Полисемиядан омонимиянинг келиб чиқиши ҳақида. «Тилшунослик масалалари», тўплам, 1, Тошкент.

1961 Бошқа тиллар билан муносабат орқали ўзбек тилида омонимларнинг вужудга келиши. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 3, Тошкент.

1962 Ўзбек адабий тилига диалектал сўзларнинг кириб келиши натижасида лексик омонимларнинг вужудга келиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.
Дастлабки омонимлар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 4, Тошкент.

1963 Омонимиянинг баъзи масалалари ҳақида. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.

1964 Айрим товушлар диерезаси натижасида лексик омонимларнинг вужудга келиши. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

1965 Ўзбек тилидаги синекдоха ва унинг турлари. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.